



20 йил “ 2 ” ноябрь

№ 359

“ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги
366-сонли қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги “Вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманлари ҳокимларининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонун талабларини сўзсиз бажариш юзасидан жавобгарлиги тўғрисида”ги 366-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини сўзсиз ва ўз вақтида бажариш Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Агентликнинг тизим корхона, ташкилотлари ҳамда ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

3. Қарорда белгиланган топшириқлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда:

кўриб чиқиш 1-схемаси (1-иловага мувофиқ), вазирлик ва идораларга келиб тушадиган мурожаатларни кўриб чиқиш 2-схемаси (2-иловага мувофиқ), мурожаатларни назоратга олиш ва ҳисоботини юритиш 3-схемаси (3-иловага мувофиқ) тасдиқланганлиги;

қонун талабларининг бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўриб борилиши;

мурожаатларда кўтарилган масалаларни доимий таҳлил асосида иктисодиёт соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлаш бўйича берилган топшириқлар ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

Шу билан бирга, ҳар ҳафта якуни бўйича раҳбар бошчилигида ўтказиладиган йиғилишларда мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича амалга оширилган ишлар натижаларини муҳокама этиб, тегишли чоралар кўриб борилиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

4. Кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлими (Н.Акрамова)га:

Аҳоли ва тадбиркорлар учун кунлик соат 8-00 дан 11-00 гача қабул қилиш бўйича Агентлик марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари таркибидан масъуллар белгиланиб тасдиққа киритилсин.

5. Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича махсус бўлими (У.Хамдамов) ва Ахборот хизмати (Ш.Урунов)га:

Аҳоли ва тадбиркорларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларида кўтарилган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг ўз вақтида ва қонуний ҳал этилишини таъминлаш мақсадида, Агентлик тизим қорхона ва ташкилотлари ва ҳудудий бошқармаларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасига уланиши;

аҳоли ва тадбиркорлар томонидан мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасигача олиб чиқмаслик мақсадида Агентликнинг веб-сайти ва ишонч телефони орқали мурожаат қилиш тизимини тубдан яхшилаш;

фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида, мурожаатлар статистикасининг таҳлили асосида тегишли давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига киритиш чораларини кўрсинлар.

6. Тизим ташкилот ва қорхоналари ҳамда ҳудудий бошқарма бошлиқларига: бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 27 октябрдаги 366-сонли қарорининг мазмун-моҳияти умумий йиғилишларда кенг жамоа ўртасида ўрганиб чиқилиб, аниқ чора-тадбирлар белгилаб олиш;

аҳоли ва тадбиркорлар учун кунлик соат 8-00 дан 11-00 гача шахсий қабулларни ташкил қилиш чораларини кўриш;

жойларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ишлашни тубдан қайта кўриб чиқиш ва уларнинг муаммолари ва эътирозларининг жойида ҳал этиш, аҳоли билан ишлаш маданиятини ошириш;

аҳоли ва тадбиркорлар томонидан мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасигача олиб чиқмаслик мақсадида ўзларининг веб-сайтлари ва ишонч телефонлари орқали мурожаат қилиш тизимини тубдан яхшилаш;

фуқаролар томонидан давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш мақсадида, мурожаатлар статистикасининг таҳлили асосида тегишли давлат хизматларини интерактив кўринишга ўтказиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Агентликка киритиш чораларини кўрсинлар.

7. Умумий бўлим (Ҳ.Ташмурадов)га:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларнинг белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши юзасидан доимий назоратни ўрнатиш;

мазкур буйруқ ва Ҳукумат қарорини Агентлик ва унинг тизимидаги қорхона, ташкилот, ҳудудий тузилмаларга етказиш чораларини кўрсин.

8. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор ўринбосари



К. Мансуров